



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 215 (13.028)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Каримов Исраил Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи

II даражали “Шон-шараф” ордени билан

Ибрагимов Валижон Каримович — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи
Метинев Тохир Болтабоевич — Фаргона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

“Дўстлик” ордени билан

Кулмуродов Шухрат Комилович — Навоий вилояти Навбахор тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Пак Владимир Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти котибияти бошлиғи

Сапарниязов Баҳадир Базарбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

Шестокрилов Эдуард Николаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази бўлинма бошлиғи

“Мардлик” ордени билан

Бозоров Азимжон Ахатович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Мансуров Зиёдбек Жураевич — Андижон вилояти Балиқчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

Ташалиев Сулаймон Темирович — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми катта ёнгин ўчирувчиси

Тиллаев Икром Рустамжонович — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Тургунов Ойбек Абдумоннобович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

“Жасорат” медали билан

Жумаев Холакбар Тўйчиевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Садиев Суннатилло Нематиллаевич — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Файзуллаев Комилжон Абдурайимович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Халимов Алишер Анварович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Холиқов Гофуржон Ғойибназарович — Фаргона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми ёнгин ўчирувчиси

Якубов Дилшод Илёсович (марҳум) — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми ёнгин ўчирувчиси

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Ахмадалиев Элмурот Каримович — Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Бекмуратов Равшан Отақузиевич — Тошкент вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Гулбаев Анвар Худойбердиевич — Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Жасимуратов Қошкарбай Сейтмуратович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги молия-иқтисод бўлими бош муҳандис-иқтисодчиси
Ибрагимов Ойбек Октябевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Мамуров Боҳодир Одилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармаси госпитали бошлиғи

Нарзиев Саётхон Эргашович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командирининг ўринбосари

Сапаров Зайниддин Зияутдинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми шахсий таркиб билан ишлаш бўлинмаси бошлиғининг катта ёрдамчиси

Тураева Гулнора Адашевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот маркази бўлинма бошлиғи

Хидиров Абдуқаном Абдирахмонович — Транс-портдаги Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ёрдамчиси

“Шухрат” медали билан

Абдуллаев Хайрулло Закирович — Наманган шаҳар Ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Самиков Хикмат Тураевич — Тошкент шаҳар Сергели тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Собиров Хуршид Шоназаркулович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Темирбулатов Дамир Каримджонович — Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси тезкор вакили

Худойбердиев Ойбек Олимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

Шарипов Суннатилло Махмудович — Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

Шеркулов Холмурод Тожиевич — Қашқадарё вилояти Касби тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 22 октябрь

ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг таклифига биноан Япония
Бош вазири Шиндзо Абэ 2015 йил 24-26 октябрь
кунлари расмий ташриф билан
мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигини янада ривожлантиришга оид кенг кўламли масалаларни, минтақавий ва халқаро сиёсатга доир долзарб муаммоларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича томонларнинг Қўшма баёноти қабул қилиниши, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро ва бошқа кўлаб ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг 24 октябрь кuni Япония Бош
вазири Шиндзо Абэнинг мамлакатимизга
расмий ташрифи бошланади.

Япония Ўзбекистоннинг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот доирасида ривожланиб бормоқда.

Олий даражадаги самарали сиёсий мулоқот ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли тараққиёти учун замин яратди. Президент Ислом Каримовнинг 2011 йил февраль ойида Японияга қилган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларга катта туртки бергани ҳолда, янги амалий мазмун билан бойитди. Ташриф якунида савдо-иқтисодий, сарможавий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларни қамраб олувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Айтиш жоизки, бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 140 дан зиёд ҳужжатлар ташкил қилади.

Халқаро ташкилотлар ва институтлар доирасида ҳам конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзоллигига Япония номзодини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўз навбатида, расмий Токио Тошкентнинг халқаро ташаббусларини маъқул-лапти.

Шунингдек, томонлар “Марказий Осиё + Япония” мулоқот механизми доирасида кўп томонлама алоқаларни фаол ривожлантирмоқда. Мазкур мулоқот доирасида ҳозирги кунга-

ча аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг беш мартаба йиғилиши ўтказилди.

Икки давлат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётди. Япония парламентида Ўзбекистон билан дўстлик лигаси ва “Япония демократик партияси – Ўзбекистон” дўстлик лигаси ташкил этилган. Ўз навбатида, Ўзбекистон парламенти таркибиди “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси – Япония парламенти” парламентлараро гуруҳи фаолият юритиб келмоқда.

2002 йилдан буён икки давлат ташқи сиёсий идоралари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирнинг 15-раунди жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

Япония юртимизнинг муҳим савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2014 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 190 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бироқ мазкур кўрсаткич икки давлат ўртасидаги мавжуд салохиятни тўла акс эттирмайди.

Бугун Япония Ўзбекистон иқтисодиётига энг йирик сармоя киритадиган мамлакатлардан бири саналади. Нефтьгаз саноати, транспорт сектори, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳалардаги устувор лойиҳалар ижроси учун ажратилган жами молиявий маблағлар миқдори 3,4 миллиард АҚШ долларидан ошади.

(Давоми 2-бетда)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Тошкентда “Ҳокимият тармоқлари бўлиниши принципини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конституциявий суднинг роли: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, ЕХХТ-нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари ко-

ординатори билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, Жанубий Корея, Малайзия, Венгрия, Бельгия, Индонезия, Россия, Таиланд, Покистон, Арманистон, Афғонистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркия каби дав-

латларнинг Конституциявий судлари ва конституциявий назоратни амалга оширувчи идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Миробоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш асосий мақсад этиб белгилангани ва ўтган давр мобайнида бу ҳаётга изчил тат-

биқ этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Бу жараёнда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланди. Бунда мамлакатимиз иқтисодиётини мафкурадан холи этиш ва унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлат бош ислоти ҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислотларни босқичма-босқич ва тадрижий амалга оширишга қаратилган, жаҳонда тараққиётнинг “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган ривожланиш тамойиллари муҳим дастуриламал бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 14 жамоа ўзаро баҳslashди.

ЖАҲОНДА

• Тинч океанидан “Патриссия” тўфони шиддат билан Мексика қирғоқларига яқинлашиб келмоқда. Хавфлилиги жиҳатидан бешинчи тоифа берилган ушбу табиий офатдан яқин атрофда истикомат қилувчи аҳолини муҳофаза қилиш мақсадида 50 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди.

• Кеча Покистоннинг Панжоб музофотидаги Даджал шаҳрида 5,3 магнитудали зилзила содир бўлди. Ҳозирча вайронагарчилик ва қурбонлар тўғрисида маълумот йўқ.

• АҚШнинг Флорида штатида 12 нафар уста кумдан жаҳондаги энг баланд саройни бунёд этишни бошлади.

• Хорватия муҳожирларнинг кириб келиши учун ўзининг Сербия билан чегарасини очди. Шу тариқа Болқон мамлакатлари орқали Фарбий Европага ўтиб кетишни ният қилган қочқинлар учун жиддий тўсиқлардан бири бартараф этилди.

• Россиялик Анастасия Рескос ва французлик Квентин Дехар Барби ва Кен кўғирчоқлари қиёфасига ўхшаш мақсадида 309 минг долларлик пластик операцияларни амалга оширишди.

• Бундан тахминан уч минг уч юз йил муқаддам дафн этилган Миср фиръавни Тутанхамоннинг олтин никобини мутахассислар томонидан таъмирлаш ишлари бошланди. Музейдаги ушбу ноёб экспонатни аслига келтириш учун икки ой муддат кетиши кўзда тутилмоқда.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистонда Корея Республикасининг юртимиздаги элчихонаси томонидан мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Korean week – 2015” маданият ҳафталиги тадбирлари бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти Оҳангарон туманида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ташаббуси билан аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг жаҳон андозалари даражасида таълим-тарбия олиши учун барча зарур шароитларни яратиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим тизимида ўғил-қизларнинг салоҳиятини юксалтиришга ҳизмат қиладиган танловларнинг аҳамияти катта бўлаётди. Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 154-умумтаълим мактабида "Она тилим – жону дилим" шиори остида ташкил этилган "Энг яхши билимдон" танлови навқирон авлод вакиллари орасида тили ва адабиёт фани бўйича билимларини синовдан ўтказди.

Ўқувчилар ўзбек тилининг ривожланиши, унинг қонуний асослари, мумтоз адабиётимиз намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди, дунё тиллари тарихига оид билимларини намойиш этди.

Ушбу танлов ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, келажакимиз вояларини ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг билимини мустаҳкамлаш, юксак марралар сари рағбатлантиришга ҳизмат қиладди.

– Миллий ўзлиқни англаш, асрий анъаналаримизни тиклаш ва ривожлантириш, ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб вояга етказишда она тилимизнинг роли бекиёс, – дейди ўзА муҳбирига 218-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Раъно Умарова. – Бу бизни тилимизнинг бетакорр жозибасини ўғил-қизларга чуқурроқ сингдириш, улар онгу тафаккурида ўзбек тилига мамлакатимизнинг муқаддас тимсолларидан бири сифатида ҳурмат билан муносабатда бўлишдек туйғуларни шакллантиришга ундайди.

Танловда жамоалар тайёрлаган "Хотира – муқаддас" мавзусидаги ишчилов, рефератлар ва бўклетлар мутахассислар томонидан баҳоланди. Билимдон ёшлар турли йўналишлар бўйича рағбатлантирилди.

Б.МЕЛИКУЛОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий давлатнинг муҳим принципи – ҳокимиятлар бўлиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар муҳим мақсадга, яъни, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гўя долзарб чора-тадбирларни қўришга қаратилган.

Ушбу принцип ҳаётга жорий этилиши тўғрисида мамлакатимизда халқчил ва демократик давлат ҳокимияти тизими шаклланди. Суд ҳокимияти, жумладан, унинг марказий бўғини – Конституциявий суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида қарор топди. Конституциявий суд айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Асосий қонунимизга мослигини аниқлаш, Конституция ва қонунларнинг нормаларига шарҳ бериш, қонунчилик ташаббусини амалга ошириш ваколатлари воситасида ҳокимият тармоқлари бўлиниши принципини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида изчил фаолият юритаётди.

Конференцияда Ўзбекистонда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини изчил ва тизимли равишда амалга оширишда ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг таъминлаётгани давлат ва жамият олдига турган вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Маҳаллий ва хорижий экспертларнинг фикрича, конституциявий одил судлов

– демократик давлатчиликнинг муҳим белгисидир. Конституциявий одил судлов конституциявий назоратнинг одил шакли бўлиб, замонавий демократик давлатчиликнинг алоҳида талаби, зарур институти ҳисобланади. Конституциянинг устунигини таъминлаш ҳамда қонунийлик муҳитини яратиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашнинг ишончли гаровидир.

Жанубий Корея Конституциявий суди судьяси Чанг Жонг Кимнинг фикрича, конституциявий назорат органларининг ваколатларини кенгайтириш, институционал ва вазифаларга доир мустақиллигини мустаҳкамлашга кўплаб давлат

муҳим аҳамият касб этади. Бунда меъёрларнинг суд назорати ҳар томонлама қамраб олинишини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ бўлмаган бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат суд назоратидан четда қолиб кетмаслиги, суд органларининг назорат ваколатлари тақрирланмаслиги лозим.

– Ўзбекистон багрикенг диёр сифатида жаҳонга танилган, – дейди Покистон Олий суди судьяси Қози Фаёз Исо. – Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотлар пировардида бу мамлакатнинг гуллаб-яшнашига йўл очаётганига гувоҳ бўлдик. Дарҳақиқат, қаерда ҳокимият тармоқлари зиммасига қўйилган вазифалар тўлақонли адо этилса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Бунда судьялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий тизимни модернизация этиш жараёнларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди алоҳида ўрин тутмоқда. Ҳуқуқий тизимни, демократик қадриятларни муҳофаза қилишда, уларни халқимиз турмуш тарзига сингдиришда эътиборга молик ишлар амалга оширилаётди. Келгусида Конституциявий суд фаолиятининг янада такомиллаштирилиши судлов жараёнларининг модернизация қилиниши ва демократлашувига, конституциявий одил судловнинг очилиғи ва шаффофлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ва ўз вақтида ҳимояланишини мустаҳкамлашга қаратилиши лозим.

– Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғи ўзига хос мукаммал шакллантирилган, – дейди Таиланд Конституциявий суди судьяси Твекиат Менакхист. – Улар ўз вазифаларини қонунда белгиланган асосда ҳамда фуқаролар манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликда олиб бораётгани мамлакатда барқарорлик, фаровонлик қарор топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Конференцияда Конституциявий суднинг ҳокимиятлар бўлиниши принципини татбиқ этиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти, конституциявий одил судловнинг долзарб масалалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари янада такомиллаштириш каби масалалар муҳокама қилинди. Халқаро анжуман аёнлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА муҳбири

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

ларда эътибор қаратилмоқда. Ушбу идораларнинг қарорларини ижро этиш бўйича аниқ механизмларни жорий этиш воситасида конституциявий назорат идораларининг ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга оширишдаги ролини кучайтириш тенденцияси кузатишмоқда.

– Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими ҳар томонлама пухта ўйланган ва халқаро стандартларнинг энг илгор тажрибаларини ўзида мужассам этган тизимли институт сифатида шаклланди, – дейди Россия Федерацияси Конституциявий суди судьяси Михаил Клеандров. – Умумий юрисдикция судларининг ихтисослашгани, ҳакамлик судлари тармоғи шаклланиши ишларни сифатли ва самарали кўриб чиқишга ҳизмат қилмоқда. Конституциявий суд қонун ҳужжатларининг Конституцияга қанчалик мослиғига доир ишларни қўриш орқали ҳар бир ҳокимият тармоғининг ўз ваколати доирасида иш юритаётгани, уларнинг ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинганлиги баҳо беради. Буларнинг барчаси ҳуқуқий давлатнинг муҳим шарти ҳисобланган қонун устуворлигини таъминлашга ҳизмат қиладди.

Малайзия Апелляция суди раиси Тан Сри Раус Шарифнинг таъкидлашича, конституциявий назоратнинг самарадорлигини таъминлашда конституциявий назорат объектларини ва уларни қўриб чиқиш чегараларини аниқ белгилаш

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) ўзларининг минтақавий ваколатхоналари орқали ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда бегараз ва техник ёрдам дастурларини амалга оширишга кўмаклашмоқда.

2009 йил 24 сентябрда кучга кирган "Сармояларни либераллаштириш, ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги ҳукуматлараро битим Япония компанияларининг Ўзбекистонга қизиқишини янада кучайтириш баробарида, ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мустаҳкам алоқалар ўрнатишга ҳизмат қиладир. Мазкур жараёнда 1994 йилда тузилган иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тузилмаларнинг жорий йил январь ойида Токио шаҳрида ўтказилган XII қўшма йилгилиши якунига кўра, умумий қиймати 3,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган сармоявий, кредит битимлари ва техник кўмак лойиҳаларини қамраб олган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар дастури йилдан йилга кенгаймоқда. Мамлакатимизда доимий равишда япон фильмлари намойиши, бадиий кўргазмалар, концерт ва спектакллар, япониялик санъат арбобларининг маҳорат дарслари ўтказиб келинапти. Ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида Замонавий япон фильмлари кунлари, ўзбек санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотган япон миллий кўғирчоқлари ҳамда йўл нақшлари кўргазмаси ўтказилди.

2001 йилда минг туп сакура қўчати ўтказилган Япон боғи, 2002 йилда машҳур расом Икуо Хираяма кўмағида ташкил қилинган Халқаро маданият қарвонсаройи, Ўзбекистон – Япония илмий-ижодий маркази Тошкентдаги энг оммавий жойлардан бирига айланган.

Шунингдек, Япониянинг йирик шаҳар ва вилоятларида доимий равишда Ўзбекистон маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳияти тақдиротлари ташкил этилмоқда. Токио ва Нагоя шаҳарларида бўлиб ўтган "Японияда Ўзбекистон кунлари" маданий тадбири бу борадаги навбатдаги ёрқин воқеалардан бири бўлди.

1999 йилда таъсис этилган "Ўзбекистон – Япония" дўстлик жамияти эса маданиятлараро мулоқотларнинг муваффақиятли ривожланишига ҳизмат қиладир. Икки давлат ўртасидаги яқин алоқалар тараққиётига катта ҳисса қўшаётган "Япония – Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси ва "Фукушима – Ўзбекистон" маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси мазкур ташкилотнинг асосий ҳамкорларидан биридир.

Фан ва таълим соҳасида ҳам изчил алмашинув амалга ошириляпти. Хусусан, республикаимизда қўшма археологик тадқиқотларнинг олиб борилиши илмий ҳамда академик доиралар вакиллари ўртасидаги ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида қадимий буддавийлик даври ёдгорликларининг топилишида "Дўстлик" ордени соҳиби машҳур археолог К.Катонинг ҳиссасини эътироф этиш лозим.

Иқтисодиёт, менежмент, юриспруденция, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, бизнес, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, банк-молия сектори, транспорт ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган икки мингдан зиёд ўзбек мутахассислари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги лойиҳалари доирасида Кунчарк юрда малака ошириб қайтишди.

Япония ҳукумат гранти доирасида ҳар йили Ўзбекистонлик 15 нафар талаба мазкур мамлакатнинг нуфузли олий ўқув юртиларида таълим олади. 1999 – 2014 йиллар давомида 293 киши ушбу дастур бўйича олий маълумотга эга бўлди.

Бизнес-тренинглари, япон тили курслари ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиб келаётган Ўзбек-япон маркази кадрлар тайёрлаш жараёнига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Мазкур мамлакатда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларининг севиб ўқиши Япония томонидан халқимиз тарихи ҳамда маданиятига бўлган ҳурмат ва эътиборнинг яна бир ифода-сидир. 2004 йилда Токио шаҳрида улуг бобоқалонимиз хайкали ўрнатилди.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, шунингдек, маданият ҳамда таълим соҳасини ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан дўстона алоқаларни ўрнатишда қўшган улкан ҳиссасининг эътирофи сифатида 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япониянинг Васада ва Сока университетлари Фахрий докторлик унвони билан тақдирланди.

Умуман, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг мамлакатимизда расмий таширифи икки давлат ўртасидаги муносабатларда муҳим воқеа бўлиши билан бирга, икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг мавжуд салоҳиятига янги суръат бағишлаши шубҳасиз.

"Жаҳон" АА.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида атроф-муҳит мусавффолигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда экобоғ яратишга бағишланган экологик акция ўтказилди.

Экология

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ МУҲОФАЗАДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ходимлари ва Экоҳаракат фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов ва бошқалар юртимизда табиатини муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни барқарорлаштириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, биохилма-хилликни асраш ва энг асосийси, инсон саломатлигининг муҳим омилларидан бири бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга ошириляётганини айтиб ўтишди.

Иштирокчилар Тошкент дунёдаги энг мусавффо шаҳарлардан бири саналиши, пойтахтимизда яшил майдонларнинг ҳар бир киши бошига 63 кв. метрдан тўғри келиши бунинг яққол исботи эканлигини, бу эса, юртимизда табиатни муҳофаза қилиш, инсонлар яшаш учун қўлай муҳит яратиш борасида амалга ошириляётган савй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодаси эканлигини ҳам қайд этиб ўтишди.

– Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ҳудудларни келажак авлодга асл ҳолича етказиш, аҳоли, айниқса ёшларнинг экологик маданиятини ошириш борасида олиб бориляётган ишлар тахсинга сазовордир, – деди тадбирда БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. – Бу БМТнинг жаҳон миксидида эко-

логик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган эзгу ишларига ҳамроҳандир.

Аслида табиатни асраш, атроф-муҳитни покиза сақлаш, уни ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш халқимизга хос қадриятлардан бири саналади. Бизни ўраб турган оламнинг экологик ҳолатини бир меъёрга бўлишини таъминлашда ўсимликларнинг ўрни бекиёсдир. Ўсимликлар ҳаво, тупроқ, сувни, чанг ва газ сингари чиқиндилардан тозалаб, унинг ўрнини кислород билан тўлдириш борасида муҳим вазифани ўтайди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати мамлакатимизда яшил ҳудудларни кенгайтириш, ташландик ерларни обод қилиб экобоғлар яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида умумий майдони 120 гектардан иборат бўлган йнгирма бешта экобоғга ўттиз минг мевали ва манзарали кўчат экилган.

Мамлакатимизда олиб бориляётган ислохотларнинг туб негизиди аҳоли фаровонлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, ёш авлодларга қўлай ижтимоий, иқтисодий, экологик муҳит яратиш алоҳида ўрин тутди.

Мазкур тадбир доирасида ҳам 400 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундай экобоғлар нафақат юртимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига ҳизмат қиладди, балки атроф-муҳит мусавффолигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА



ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ва унинг ривожланиш тенденциялари, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган омилларга бағишланган ижтимоий сўров ўтказди.

1999 йилдан 2015 йилга қадар ўтказилган шундай ижтимоий сўровлар натижалари мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, жамиятимизда қарор топган миллатлараро тотувлик мустақиллигимизнинг энг муҳим ютуқларидан бири эканидан далолат беради. Хусусан, 1999 йилда ўтказилган сўровда иш-тироқчиларнинг 97,1, 2013 йилдаги сўров катнашчиларининг 98,6 ва жорий йилда ташкил қилинган сўровда иштирок этганларнинг 99,6 фоизи шундай фикр билдирган. Уларнинг таъкидлашича, Президентимиз томонидан узокки кўзлаб юритаётган оқилона сиёсат, давлатнинг ўз фуқароларига ғамхўрлик кўрсатаётгани, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳалардаги барқарорлик, этник ва диний багрикенглик миллатлар ҳамда фуқаролар тотувлигининг муҳим омилларидир.

"Ўзбекистон фуқароси эканингиздан қалбнингизда қандай туйғулар кечади?" деган саволга сўралганларнинг аксарияти "Фахрлиниш", деб жавоб берган. Бу кўрсаткичнинг йилдан йилга ўсиб бораётгани диққатга сазовордир. Масалан, 2013 йилда сўров катнашчиларининг 68,5 фоизи, 2010 йилда 76,8, 2015 йилда эса 89,5 фоизи шундай фикр билдирган.

Тадқиқот иштирокчилари (98,5 фоизи) фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилаётганини юқори баҳолайди. Шуниси эътиборлики, барча ёш гуруҳлари вакиллари Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрландади ва ушбу кўрсаткич ўтказилган кўлаб сўровлар давомида ўзгармасдан келмоқда.

Ижтимоий тадқиқот давомида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар барқарорлигини таъминлашда Республика Байналмилал маданият маркази ва миллий маданият марказлари муҳим ўрин тутаятгани таъкидланди. "Ижтимоий фикр" маркази томонидан аҳоли ўртасида кўп йиллардан буён ўтказиб келинаётган сўровлар миллатлараро тотувликнинг барқарорлиги миллатлараро муносабатларнинг муҳим жиҳати эканини тасдиқлаш имконини беради. Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари шу фикрни қўллаб-қувватлайди. 2003 йилда сўров катнашчиларининг 80,1 фоизи, 2008 йилда 83,7, 2015 йилда эса 94,8 фоизи Ўзбекистонда миллатлараро муносабат "жузда яхши" ва "яхши" деб баҳолаган.

Сўров натижалари шундан далолат берадики, мамлакатимиз фуқаролари келажакда миллатлараро муносабатлар бундан ҳам мустаҳкамланишига ишонади. Иштирокчилар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор, жамиятимизда тинчлик ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сураётганини ижобий, деб баҳоламоқда.

Муктасар айтганда, мазкур ижтимоий тадқиқот аҳолининг 24 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида жамиятимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни юқори баҳолашдан далолат беради. Улар Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириляётган оқилона ва самарали миллий сиёсат бунинг асосий қафолати, деб билди.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида
ЎзА муҳбири
М.МАМЕТОВА тайёрлади.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

08.30 "Жить здорово!"
09.30 Молный приговор

10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.20 Т/с "Палач"
13.10 Смак
13.40 "Время покажет"
14.00 Новости
14.15 "Время покажет".
Продолжение
15.15 "Мужское/Женское"
16.10 "Наедине со всеми". Программа Юлия Меньшовой
17.00 Вечерние новости
18.00 "Давай поженимся!"
19.00 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Палач"
22.20 "Вечерний Ургант"
22.55 Ночные новости
23.10 "Политика"

ЧОРШАНБА, 28

02.00 Новости
02.05 Т/с "Бегас"

Россия

05.00, 09.15 "Утро Рос-
сии"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00,
17.50, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном".
11.35, 14.30, 17.30, 19.35
Местное время. Вести-
Москва.
11.55 Т/с "Таинные
следствия".
14.50, 04.45 Вести. Де-
журная часть.

15.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!"
21.00 Т/с "Королева красоты".
22.55 "Специальный корреспондент".
00.35 "Арабская весна. Игры престолов".
02.30 Т/с "Человек-приманка".
03.30 "Комната смеха".

НТВ

05.00 "НТВ утром"

06
Ш

07.00, 09.00, 12.00, 15.00,
18.00 Сегодня
08.00 Утро с Юлией Вы-
соцкой
09.20 "Лолита"
10.15 Т/с "Лесник"
12.20 Обзор. Чрезвычай-
ное происшествие
13.00, 18.40 Т/с "Улицы
разбитых фонарей"
15.20 Т/с "Литыйный"
17.00 Ток-шоу "Говорим
и показываем"
20.30 Т/с "Чума"
22.30 Анатомия дня
23.10 Т/с "Шаман"
01.00 Квартирный вопрос
02.05 Т/с "Преступление
будет раскрыто"
04.00 Т/с "Адвокат"

13.05 Смак
13.40 "Время покажет"

14.00 Новости
14.15 "Время покажет".
Продолжение
15.15 "Мужское/Женское"
16.10 "Наедине со всеми". Программа Юлии Миньшовой
17.00 Вечерние новости
18.00 "Давай поженимся!"
19.00 "Путь говорит"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Палач"
22.20 "Вечерний Ургант"
23.00 Ночные новости
23.15 На ночь глядя
00.05 Х/ф "Неуправляемый"
01.40 Т/с "Берас"
02.00 Новости
02.05 Т/с "Берас"
02.30 Модный приговор
03.20 Контрольная закупка

Россия

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.55, 20.00 Вести.
09.50 "О самом главном".

ПАЙШАНБА, 29

часть.
18.00 Т/с "Склифосовский".
18.15 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!"
21.00 Т/с "Королева красоты".
22.55 "Поединок".
00.35 "Запрещенная история".
02.30 Т/с "Человек-приманка".
03.00 "Неоконченная война Анатолия Папанова".
04.25 "Комната смеха".

НТВ

05.00 "НТВ утром".
06.10, 07.05 Т/с "Возвращение Мухомора".
07.00, 09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
08.00 Утро с Юлией Висоцкой.
09.20 "Лолита".
10.15 Т/с "Лесник".
12.20 Обзор Чрезвычайное происшествие.

13.00 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
15.20 Т/с "Лейтенант"
17.00 Ток шоу "Говорим и показываем"
18.40 Т/с "Дельта. Продолжение"
20.30 Т/с "Чума"
22.30 Анатомия дня
23.10 Т/с "Шаман"
01.00 Дачный ответ
02.05 Т/с "Преступление будет раскрыто"
04.00 Т/с "Адвокат"

